Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2002 йил 4 апрель пайшанба

Сотувда эркин нархда № 72 (2900)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирокидаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни парламент раиси Э.Халилов олиб борди.

Мажлисда иккинчи чақириқ парламентнинг саккизинчи сессиясига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборот эшитилди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Раисининг ўринбосари, сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг раҳбари Б.Бугров сўзга чиқди.

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг раҳбарлари парламент депутатлари муҳокамасига киритиладиган қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар устида олиб борилган ишларнинг якунлари тўғрисида ахборот бердилар, бўлғуси сессиянинг ташкил этилиши юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кенгаш мамлакатимизнинг 2001 йилдаги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни эшитди, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси молия вазири М.Нурмуродов сўзга чиқди. Ҳужжатни Олий Мажлиснинг бўлғуси сессияси муҳокамасига киритиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Мажлис иштирокчилари парламентнинг саккизинчи сессияси Котибияти таркибига тавсия қилинаётган, сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва ҳокимият вакиллик органларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокларининг раҳбарлари билан келишилган депутатларнинг номзодларини кўриб чиқдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг раҳбари Н.Исмоилов қатнашди.







## Бугун Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессияси ўз ишини бошлайди



СУРАТЛАРДА: парламентда иш қизғин.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

## ШВЕЙЦАРИЯ ҲУКУМАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Швейцария Конфедерацияси федерал маслаҳатчиси, Федерал ташқи ишлар департаменти раҳбари Йозеф Дайсс раҳбарлигидаги делегация вакиллари 3 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Суҳбат чоғида икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб соҳаларда самарали ривожланиб бораётгани таъкидланди. Томонлар Ўзбекистон-Швейцария алоқаларини янада кенгайтириш масалаларини атрофлича муҳокама қилди. Шунингдек, парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш, қонунчилик борасидаги тажриба алмашишни янада кенгайтириш борасида фикр алмашилди.

Шу куни делегация аъзолари Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов билан ҳам учрашди. Музокаралар якунида Ўзбекистон ҳукумати билан Швейцария Федерал Кенгаши ўртасида икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришга қаратилган ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, Даромад ва сармоя икки томонлама солиққа тортилишининг олдини олиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Швейцария Федерал Кенгаши ўртасида автомобилда халқаро йўловчи ҳамда юк ташиш борасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар қабул қилинди.

(ЎзА).

## ЯШИЛ ШАҲАР ЮБИЛЕЙИ

### Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига тайёргарлик бошланди

Бу йил жаҳон тарихи ва маданияти тараққиётида алоҳида ўрин тутган Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланади. Шу муносабат билан жорий йилнинг 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида" қарор қабул қилди.

Жаҳон жамоатчилиги дунё маданияти тараққиётининг олтин белбоғи бўлмиш Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган диёримизнинг тарихи ва маданиятига, айниқса, қадимий шаҳарларимизга азалдан қизиқиб келган. Ватанимиз истиқлоли шарофати билан Ўзбекистон дунёни, жаҳон эса юртимизни кенг таний бошлагач, қадимги шаҳарларимизнинг довруғи янада ортаётир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, "Бизнинг маданиятимиз бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб қолганлиги тасодифий эмас, Самарқанд, Бухоро, Хива фақат олимлар ва санъат ихлосмандлари учунгина эмас, балки тарих ва тарихий қадриятлар билан қизиқувчи барча кишилар учун зиёратгоҳга айланган".

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 31-сессияси томонидан Шаҳрисабз шаҳрига асос солинганлигининг 2700 йиллигини нишонлашда мазкур нуфузли халқаро ташкилотнинг иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилингани эса буюк бобокалонимиз, улуғ соҳибқирон Амир Темур ватани кўҳна Кеш — Шаҳрисабзга нисбатан жаҳоний эътибор ва эътирофнинг яна бир яққол далили бўлди.

Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг номи зикр этилган қарорида шаҳар юбилейига тайёргарлик кўриш ва тадбирларни 2002 йилнинг кузида юксак савияда ўтказишни ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Қарорга мувофиқ, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси таркиби ва тадбирлар режаси тасдиқланди.

ЮНЕСКО иштирокида "Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни" мавзуида халқаро илмий конференция, шаҳар юбилейига бағишланган тантанали байрам тадбирлари ўтказилади. Шунингдек, юбилейга бағишланган китоб-альбом, илмий ва бадиий асарлар, махсус почта маркалари ва хатжилдлар чиқарилади ва уларнинг савдоси ташкил этилади.

Белгиланган тадбирлар ва нашр ишларини амалга оширишга Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО Ўзбекистон миллий комиссияси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Давлат матбуот қўмитаси, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги каби кўплаб ташкилотлар жалб этилади.

Маданият ишлари вазирлиги ва Бадиий академияга Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги рамзини тайёрлаш, Марказий банк зиммасига юбилей эсдалик тангасини чиқариш вазифалари юклатилган. Оммавий ахборот воситаларига эса мазкур юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни акс эттирувчи туркум телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ташкил этиш, мунтазам мақолалар бериб бориш тавсия этилган.

Қарорда, шунингдек, Маданият ишлари вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда жорий йилда Шаҳрисабздаги Оқсарой, Доруттиловат, Доруссаодат мажмуалари, Чорсу савдо гумбази, Чубин мадрасаси каби тарихий обидаларни таъмирлаш ишларини таъминлаши зарурлиги белгиланган.

Юртимизда улуғ байрамлар, тўйлар ва юбилейларга кенг кўламда тайёргарлик кўриш жараёнида шаҳар ва қишлоқларимизда бунёдкорлик ишлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришни авж олдириш, фуқароларимизга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишни такомиллаштириш масалаларига алоҳида аҳамият бериш ибратли анъанага айланган.

Қарорда ҳам қурилиш, ободонлаштириш, аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлашни янада яхшилаш, алоқа, транспорт, соғлиқни сақлаш ва коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантириш юзасидан Қашқадарё вилояти ҳокимлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда амалга ошириши зарур бўлган талай тадбирлар белгилаб берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида"ги қарори мустақиллик туфайли мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ҳақиқий тарихимизни тиклаш ва ўрганиш, неча минг йиллик қадриятларимизни қарор топтириш, ўзлигимизни теран англаш, қадимий шаҳарларимиз, азиз-авлиёлар қадамжоларини обод қилиш борасидаги улуғвор ишлар изчил давом эттирилаётганининг яна бир яққол далилидир.

(ЎзА).

## БЛОКЛАРДА

Кеча Ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки ўзининг сессияолди йиғилишини ўтказди. Блок аъзолари дастлаб сессия кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилиб, ўз муносабатларини билдирган бўлсалар, ундан сўнг молия вазири М.Нурмуродовнинг 2001 йилдаги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ахборотини тингладилар. Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримов Кредит уюшмалари тўғрисида» ҳамда «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг аҳамияти, уларни тайёрлаш жараёни хусусида тўхталди. Блок аъзолари кўрилган масалалар юзасидан ўзларининг муносабатларини билдирдилар.

* * *

Шу куни Сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блокининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Блок раҳбари А.Саидов олиб борди.

Депутатлар Олий Мажлиснинг бўлажак саккизинчи сессияси кун тартибига қўйилган масалалар тўғрисида фикр алмашдилар. Шунингдек, йиғилишда Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан тайёрланган янги таҳрирдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ва «XXI аср маҳалласи» Концепцияси лойиҳалари ҳам муҳокама этилди. Айниқса, «XXI аср маҳалласи» Концепцияси лойиҳаси қизғин мунозараларга сабаб бўлди.

## ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРДА

Кеча Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмита раисининг ўринбосари Р. Каримов бошқарган ушбу йиғилишда "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги ва "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳамда 2001 йилдаги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Қўмита аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, Марказий банк раҳбарлари, Молия ва бошқа бир қатор вазирлик ва ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтказилган йиғилишда асосий эътибор 2001 йилдаги Давлат бюджетининг ижросига қаратилди.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилаётган ҳар иккала Қонун лойиҳаси ҳамда сессия кун тартиби хусусида фикрлашиб, маъқулладилар.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилишида қўмита аъзолари дастлаб Олий Мажлиснинг саккизинчи сессияси муҳокамасига киритилган масалалар юзасидан ўз муносабатларини билдирдилар. Мажлисда сессия кун тартибидаги Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишлари асосий йўналишлари ва референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни лойиҳалари кўриб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш, айрим судьяларни вазифасидан озод қилиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон билан Чехия ўртасида имзоланган шартномани ратификация қилиш ҳақидаги таклифлар ҳамда қўмита ваколатига кирувчи бошқа масалалар кўриб чиқилди.

* * *

Шу куни Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасининг сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур қўмита раиси М. Умаралиев бошқарди. Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалаларни атрофлича муҳокама қилиб, уларни бир овоздан маъқулладилар.

Шунингдек, йиғилишда навбатдаги сессия муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилаётган "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси юзасидан республика молия вазирининг ўринбосари—Давлат суғурта назорати инспекцияси бошлиғи Б. Ашрафхоновнинг маърузаси тингланди.

* * *

Олий Мажлис Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси йиғилишида ҳам дастлаб сессия кун тартибига қўйилаётган масалалар номма-ном муҳокама қилиниб, маъқулланди.

Йиғилишни олиб борган қўмита раиси М.Сафоева қўмита томонидан айрим қонун-ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш таклиф этилаётгани ҳақида ҳам тўхталиб, унинг моҳияти ва аҳамиятини йиғилиш қатнашчиларига изоҳлаб берди.

Йиғилиш сўнггида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур қўмита раиси Назрулла Жўраев олиб борди. У иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар хусусида атрофлича тўхталди. Қўмита аъзолари сессия кун тартибини бир овоздан маъқуллаб, тегишли қарор қабул қилдилар.

* * *

Шу куни таркиб топган анъанадан фарқли равишда икки қўмита ва бир комиссия аъзолари қўшма йиғилиш ўтказиш учун тўпландилар. Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси бундай қўшма йиғилишга тўпланиши бежиз эмасди.

Парламентнинг ўта муҳим ва айни пайтда мураккаб ҳамда серқирра фаолиятида унинг қўмита ҳамда комиссияларининг ҳамкор ва ҳамжиҳат иш юритиши — кутилган амалий самаралар бериши тобора ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Ана шундай ҳамкорлик натижасида бир комиссия ёки қўмита ҳал этиши мураккаброқ бўлган вазифаларни кучларни бирлаштирган ҳолда осон ва самарали ҳал этиш мумкин бўлмоқда.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг аъзолари бирмунча аввалроқ парламент томонидан ратификация қилинган халқаро конвенциялар ва уларга доир барча ҳужжатларнинг ўзбек тилидаги матнларини тартибга солиш ва жамлаш масаласини кўтарган эдилар. Айни ўша пайтнинг ўзида норматив тусдаги барча ҳужжатларда атамалар бир хил ишлатилишига эришиш учун Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссия томонидан юридик атамалар луғатини яратиш таклиф қилинганди. Энг муҳими шундаки, бу таклифларни бажаришга киришилиши биланоқ, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг аъзолари ҳам ёрдам

(Давоми 2-бетда).

## ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИДА

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракциясининг бу галги йиғилишида мамлакат парламентининг навбатдаги саккизинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар чуқур ва ҳар томонлама муҳокама қилинди. Мажлисни бошқарган фракция раҳбари Турғунпўлат Даминов сессияда кўриладиган масалалар юзасидан фракция аъзоларига қисқача ахборот берди. Шундан сўнг сессия материалларига доир қизғин савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Фракция аъзолари қатор қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар хусусида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ўз навбатида кўриладиган масалалар юзасидан сўзга чиқувчилар ҳам белгилаб олинди. Йиғилганлар навбатдаги сессиянинг кун тартибига киритилган ва унда муҳокама қилинадиган ҳужжатлар лойиҳаларини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ

### Олий Мажлис томонидан тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида амалга оширилди

Хабарингиз бор, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси муҳокамасига тақдим этилаётган масалалар қаторига «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2001 йилдаги ижроси тўғрисида»ги масала ҳам киритилган. Хўш, Давлат бюджетининг даромадлар тушумлари, харажатларини молиялаштириш ҳажми қай даражада бажарилди?

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2001 йилги Давлат бюджетининг ижроси Олий Мажлис томонидан тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида амалга оширилди. Мисол учун, даромадлар бўйича олиб кўрайлик. Даромадлар режаси 1254,8 миллиард сўм миқдорида белгиланган эди. Ҳақиқатда бултур бюджетга 1266,9 миллиард сўм тушди. Бу 101 фоизга тенгдир.

Корхоналар даромади (фойдаси)га солинадиган солиқ ставкасининг 31 фоиздан 26 фоизгача ва аҳоли даромадларидан олинадиган солиқнинг энг юқори ставкасининг пасайтирилишига қарамасдан, ҳисобот йилида Давлат бюджетига даромадлар тушумининг барқарорлиги сақланди ҳамда даромад манбалари бўйича тушумларнинг нисбатан кўпайиши кузатилди.

Бюджет даромадларининг солиқ турлари бўйича таркибида ҳам муайян ижобий ўзгаришлар рўй берди. Масалан, бевосита солиқлар бўйича тушумлар жами бюджет даромадларининг 28.5 фоизини ёки 360,6 миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда)

(Давоми 2-бетда).

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 4 апрель куни эрталаб соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 4 апрель куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

## Халқаро кўргазма очилди

Тошкентдаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, қадоқлаш ва ишлаб чиқариш технологиялари" — «ИнтерФуд-Ўзбекистон-2002» иккинчи Ўзбекистон халқаро кўргазмаси очилди. Мазкур кўргазма Британиянинг ITE Group PLC кўргазма компанияси ва унинг республикамиздаги ҳамкори Itesa-Osiyo компанияси томонидан ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси мазкур кўргазмага расмий ёрдам кўрсатмоқда.

Кўргазманинг очилиши маросимида сўзга чиққанлар республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар дастури ҳам саноат, ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг юксалишига ёрдам бераётганини таъкидлашди. Бу халқаро кўргазма Ўзбекистон озиқ-овқат саноати бозорини ривожлантиришда муҳим омил саналади.

Мазкур кўргазмада Ўзбекистон, Германия, Италия, Туркия, Россия ва бошқа мамлакатларнинг озиқ-овқат саноати соҳасидаги энг яхши компаниялари маҳсулотлари билан танишиш имконияти яратилган.

Н. УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.



# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ АСОСИ

## ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўрсата бошладилар, шу қўмитанинг тажрибали ҳуқуқшунослари эса бу ишлар амалий кўламга кўчишига бош-қош бўлдилар. Шунинг учун ҳам бу гал қўшма йиғилиш ўтказиб, қилинган ишларга якун ясашга қарор қилинди.

Қўшма йиғилишда депутатлар Олий Мажлиснинг бўлажак саккизинчи сессияси кун тартибига қўйилган масалалар ҳамда келгуси чақириқ Ўзбекистон парламенти икки палатали қилиб сайланиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш масалалари юзасидан 2002 йил 27 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари тўғрисида фикр алмашдилар. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган 1949 йилги Женева конвенциялари ҳамда уларга доир 1977 йилги қўшимча баённомаларнинг ўзбек тилидаги матнлари муҳокама қилинди ва тўплам тарзида чоп этишга келишилди.

Сўзга чиққанлар бу ҳужжатларнинг барчаси инсон ҳуқуқларига оид бениҳоя зарур шартномалар ҳисобланиши ҳамда уларнинг аҳамияти беқиёс эканлиги, мазкур конвенцияларга доир ҳужжатларнинг уч жилддан иборат биринчи туркуми пишиқ-пухта таҳрир қилинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Аввалги йиғилишларда кўтарилган масалалар ўз ечимини топаётганлиги, хусусан, Олий Мажлис Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси ҳамда Фалсафа ва ҳуқуқ институти билан ҳамкорликда тайёрлаган «Русча-ўзбекча юридик атамалар луғати» китоби чоп этилганлиги қўшма йиғилишда мамнуният билан қайд этилди ва бу йўналишдаги ишларни давом эттириш зарур, деб топилди.

Шунингдек, қўшма йиғилишда янги таҳрирдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ва «XXI аср маҳалласи концепцияси» лойиҳалари ҳам муҳокама этилди.

* * *

Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг сессияолди йиғилишини комиссия раиси Ш.Салимова бошқарди. Мазкур комиссия аъзолари сессия кун тартибига қўйилган ҳар бир масала юзасидан ўз фикр -мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.Икки сессия оралиғида комиссия олиб борган ишлар, тадбирларга ҳам алоҳида урғу берилди.Чунончи, ўтган давр мобайнида комиссия ёш болали ва ногирон болалари бор оналарга имтиёзлар берилишига оид ҳукумат қарорларининг Самарқанд вилоятида, аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг Наманган вилоятида бажарилиши юзасидан ибратли тадбирлар ўтказди.Комиссия аъзолари сессия кун тартибига қўйилаётган масалаларни бир овоздан маъқулладилар.

* * *

Олий Мажлис Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси йиғилиши парламентнинг навбатдаги анжумани кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасига бағишланди. Булар хусусида мазкур комиссия раиси Ш.Хўжаниёзова батафсил маълумот берди. Сўнгра йиғилиш иштирокчиларининг саволларига тўлиқ жавоблар қайтарилди.



## Фикрдан фикр унар

## Суғуртанинг афзаллиги акс этсин

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасининг депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилиниши айни муддао бўлди. Айниқса, бу ҳужжатнинг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлида муҳим қадам бўлди, десак янглишмаймиз. Негаки, 1993 йилда қабул қилинган «Суғурта тўғрисида»ги Қонун замон талабларига жавоб бермай қолганди.

Қонун лойиҳаси билан яқиндан танишиб, баъзи таклиф ва мулоҳазаларни билдиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, 10-моддада «суғурталовчилар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилади», дейилган. Бироқ суғурта ташкилоти «масъулияти чекланган жамият» сифатида тузилмаслиги лозим. Шуни эътиборга олган ҳолда, 10-модданинг биринчи хатбошисини қуйидагича баён этишни таклиф этамиз: «Суғурталовчилар фақат акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади».

Шунингдек, 11-модданинг тўртинчи хатбошиси «тўланган» сўзидан олдин «тўлиқ» сўзи билан тўлдирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби — суғурта ташкилотлари лицензия олгандан кейингина ўз фаолиятини амалга оширадилар. Ваҳоланки, дастлабки вақтларда суғурталовчиларда етарли даражадаги суғурта заҳираси шаклланмайди. Суғурта ҳодисаси рўй берган тақдирда, ташкилот суғурта қопламаси (суммасини) тўлаши зарур ва бу ҳолда тўлиқ тўланган устав фондидаги маблағлар суғурталовчининг мижоз олдидаги мажбуриятини ўз вақтида бажаришида асқотади.

Маълумки, бугунги кунда суғурта назарияси ва амалиётида соҳага оид атамалар турли шаклларда ишлатилаяпти. Бу биз муҳокама этаётган Қонун лойиҳасига ҳам тегишлидир. Масалан, 21-модда ва бошқа моддаларда «хавфлар», «хавф» деган тушунчалар учрайди. Соҳада энг кўп ишлатиладиган атамалардан бири ҳам шу. Ҳозирда амалда бўлган «Суғурта тўғрисида»-ги Қонунда ушбу атама «таваккалчилик», Фуқаролик Кодексида эса «хавф» тарзида берилган. Гапнинг очиғини айтадиган бўлсак, рус тилидаги «риск»ни таржимонларимизнинг баъзилари «хавф-хатар», хавф», «таваккалчилик», айримлари эса «қалтислик» деб таржима қилишади. Фикримизча, бу мунозаралаб атамани қонун ҳужжатларида қўллашда жиддий ёндашиш лозим. Биз мутахассис сифатида Қонуннинг ўзбек тилидаги матнида «риск» атамасини ишлатсак, унчалик ҳам хатога йўл қўйган бўлмаймиз. Негаки, бу атама рус тилидан олинган эмас, инглиз ва бошқа тилларда ҳам учрайди.

Шунингдек, 23-модда суғурта бозоридаги монополистик фаолиятнинг олдини олиш, чеклашга бағишланган, аммо уни ким амалга ошириши аниқ кўрсатилмаган. Бу суғурта назарияси ва амалиёти учун ҳам принципиал аҳамиятга эга. Шунинг учун ушбу моддани қуйидаги кўринишдаги учинчи хатбоши билан тўлдириш талаб этилади: «Суғурта бозоридаги монополистик фаолиятнинг олдини олиш, чеклаш ва соғлом рақобатни таъминлаш монополияга қарши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади».

Айни чоғда Қонун лойиҳасида суғурта соҳасига таалуқли айрим жиҳатлар ўз аксини топмаган. Жумладан, суғурта ташкилотларининг қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият олдидаги манфаатларини ҳимоя қилувчи — суғурталовчилар уюшмаси тўғрисида лойиҳада ҳуқуқий норма йўқ. Аслида бундай уюшмани ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш масалаларини қонун йўли билан ҳуқуқий тартибга солиш ғоят муҳим. Бу ҳақда Фуқаролик кодексида ҳам ҳеч нарса дейилмаган. Шу боис биз ушбу қонун лойиҳасида қуйидаги жумлани алоҳида моддада кўрсатиш зарур, деб ҳисоблаймиз: «Суғурталовчилар ўзларининг манфаатларини ҳимоя этувчи уюшма ташкил этишга ҳақлидирлар. Суғурталовчилар уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг юридик шахс мақомини олади».

Юртбошимиз аввалги сессияда Қонун лойиҳаси муҳокама этилаётган пайтда юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта шартномаларини тузиш юзасидан қизиқишини шакллантириш учун уларга имтиёзлар бериш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Суғурта бозорининг барқарор ривожланишини таъминлаш ва мижозларнинг унга бўлган манфаатини ошириш мақсадида фоиз ставкалари камайтирилган ҳолда хизмат кўрсатувчи, давлат бюджет маблағлари иштирокида йирик суғурта ташкилотларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлади.Назаримизда, бундай ишлар суғурта маданиятини оширибгина қолмай, балки макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашда ҳам катта ҳисса бўлиб қўшилади. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, суғурта ташкилотлари тегишли хизматларни кўрсатиш йўли билан аҳоли ва юридик шахслар ихтиёридаги бўш пул маблағларини қоплайди ва уларни иқтисодиётнинг реал секторига йўналтиради. Шу жиҳатдан суғурта ташкилотлари йирик институционал инвестор сифатида иқтисодий ўсишни таъминлашда фаол иштирок этади.

Таъкидлаш лозимки, суғурта тизимининг ривожланиши кўп жиҳатдан суғурта ташкилотларининг ўз мижозлари билан бўладиган муносабатига ҳам боғлиқ. Гап суғурта қопламаларининг мижозларга ўз вақтида берилиши ҳақида кетаётир. Агар суғурталовчилар қоплама тўлаш масаласини ҳал этишда бир томонлама ёндашмасдан, мижознинг ҳам манфаатларини эътиборга олсалар, бу ишга кўмак берган бўлар эди.

**Т.МАЛИКОВ,**
**иқтисод фанлари доктори.**
**Х.ШЕННАЕВ,**
**иқтисод фанлари номзоди.**

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

солиғи бўйича тушумлар 143,3 миллиард сўмга етиб, бу бевосита солиқлар тушумларининг 39,7 фоизини ташкил этган бўлса, жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқ бўйича тушумлар 162,2 миллиард сўмга (45 фоиз), тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ бўйича тушумлар эса 26,7 миллиард сўмга (7,4 фоиз) тенг бўлди.

Шу билан бирга, юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғининг Давлат бюджети жами даромадларидаги улуши солиқ ставкасининг пасайиши сабабли тобора камайиб бормоқда. Айтайлик, 1999 йилда ушбу кўрсаткич 15,2 фоиз бўлган бўлса, 2000 йилда 12,8 фоизни ва 2001 йилда эса 11,3 фоизни ташкил этди. Айни чоғда кичик корхоналар учун ягона солиқ, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, тадбиркорлик фаолияти бўйича шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ бўйича тушумларнинг кўпайиши кузатилмоқда. Мазкур ўсиш суръатлари кичик корхоналар ва умуман, тадбиркорлик фаолиятининг кенг ривожланиши ҳамда иш ҳақи миқдорларининг ошиши натижасида юз бермоқда.

Давлат бюджети харажатларининг аҳволи қандай?

2001 йилда Давлат бюджетининг харажатлари 1313,8 миллиард сўмни ёки режага нисбатан 100,1 фоизни ташкил қилди. Айниқса, Давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари энг катта улушга эга бўлди. Хусусан, ижтимоий соҳа муассасалари фаолиятини молиялаштириш харажатлари 498,5 миллиард сўм (37,9 фоиз)ни ташкил этди. Таълим муассасаларини сақлаш ва ривожлантиришга 335,5 миллиард сўм, соғлиқни сақлаш тизими харажатларини молиялаштириш учун 125,7 миллиард сўм йўналтирилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ харажатлар эса 100,8 миллирад сўмни ташкил қилди.

2001 йилга мўлжалланган маҳаллий бюджетларнинг даромадлар режаси ҳам ошириб бажарилди. Бу кўрсаткич 557,5 миллиард сўм ўрнига 573,3 миллиард сўмни ташкил этди. Маҳаллий бюджетларнинг харажатлари эса 726,1 миллиард сўмга етиб, шундан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга 513,2 миллиард сўм ёки маҳаллий бюджетлар жами харажатларининг 70,7 фоизи йўналтирилди. Шунингдек, Давлат бюджетида маориф (88,2 фоизи), соғлиқни сақлаш (87,1 фоиз), ижтимоий ҳимоя (72,0 фоиз) ва капитал қўйилмалар (57,6 фоиз) учун кўзда тутилган жами маблағларнинг катта қисми маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилди.

Биринчи навбатдаги харажатларни ўз вақтида молиялаштириш мақсадида маҳаллий бюджетларга республика бюджетидан 116,6 миллиард сўм миқдорида дотация ва 61,9 миллиард сўм миқдорида ссудалар ажратилди.

Бу харажатлар институционал ўзгаришларни молиялаш, ижтимоий ва инсонпарварлик дастурларини амалга ошириш, тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни янгилаш ҳамда техника билан қайта жиҳозлаш, мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун йўналтирилди.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## САЙЛОВЧИГА БИР САВОЛ

### *«Сиз парламент ислоҳотига дахлдорлигингизни қандай тасаввур қиласиз?»*

## «Ҳаммамиз дахлдормиз»

**Жамолиддин ЭРГАШЕВ, Наманган вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари:**

*— Эркин фуқаролик жамияти сари бораётган эканмиз, парламент халқ ва ҳокимият ўртасидаги ишончли восита бўлиб қолади. У қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатларни чуқур билишимиз ва амал қилишимиз, қисқаси, қонун устуворлиги йўлидаги барча ҳаракатларимиз парламент ислоҳотига дахлдорлигимизни белгилайди. Бу масала, хусусан, ҳам касб нуқтаи назаридан, ҳам фуқаролик бурчимдан келиб чиқиб, менинг зиммамга катта масъулият юклайди. Сабаби — қонунларга риоя этилиши устидан назорат, уларнинг фаол ишлаши кўп жиҳатдан мен ва ҳамкасбларимга боғлиқ. Қолаверса, жамият ҳар бир аъзосининг фаоллиги унинг бошқарувдаги иштирокини белгилайди. Мана шунинг ўзи мен, сиз ва унинг парламент ислоҳотига дахлдорлиги, демакдир.*

**Ризамат ВАФОЕВ, «Муборакнефтьгаз» нефть ва газ конлари бошқармаси мутахассиси:**

*— Менга, оддий сайловчига парламент ислоҳотининг қандай дахли бор? Юзаки қараса шундай. Аслида ҳаммаси бизга — сайловчиларга боғлиқ-ку? Депутатларни биз сайлаймиз-ку, ахир. Шунинг учун мен, энг аввало, депутатларни сайлашда парламент ислоҳотини эътиборга олиш ва шунга муносиб кишиларни сайлаш лозим, деб ўйлайман. Дахлдорлигим ҳам шунда деб биламан.*

*Ҳуқуқий демократик жамиятнинг хусусияти — қонун устуворлиги. Мен ҳам, сиз ҳам — ҳар бир сайловчи қонунни билиши, унга амал қилиши керак. Қонунни билган одам жамиятдаги ҳар бир воқеага ўзини дахлдор деб ҳисоблайди. Ҳеч қачон «менга нима» демайди. Бефарқ бўлмайди.*

**«Халқ сўзи» мухбирлари**
**Қ.НАЖМИДДИНОВ,**
**Н.РАВШАНОВ**
**ёзиб олди.**

## КИМ, ҚАНЧА ТАКЛИФ БЕРДИ?

| N | Умумхалқ муҳокамасига қўйилган Қонун лойиҳаси | Сиёсий партиялардан | Юридик шахслардан | Жисмоний шахслардан | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | “Шаҳарсозлик кодекси” лойиҳаси (иккинчи ўқишда) | 65 | 200 | 85 | 350 |
| 2 | “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (иккинчи ўқишда) | 7 | 26 | 143 | 176 |
| 3 | “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (иккинчи ўқишда) | 18 | 12 | 102 | 132 |
| 4 | “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (иккинчи ўқишда) | 5 | 15 | 120 | 140 |
| 5 | “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (иккинчи ўқишда) | 9 | 151 | 38 | 198 |

## МОЛИЯ БОЗОРИДА ЯНГИЛИК

**Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўтган сессиясида «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилиниб, умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Ўтган вақт мобайнида мазкур қонун лойиҳаси иқтисодчи олимлар, молия мутахассислари, депутатлар, сиёсий партиялар фракциялари ва оддий фуқаролар томонидан атрофлича муҳокама қилинди. Биз қуйида мазкур қонун асосида вужудга келадиган янги молиявий муассасанинг аҳамияти, унинг афзалликлари тўғрисида сўз юритамиз.**

— Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида биринчи ўқишда маъқулланган «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси икки сессия оралиғида умумхалқ муҳокамасида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар ҳисобга олиниб пухта ишланди. Кредит уюшмаси ўз аъзоларининг пул маблағлари ҳисобига уларга кредитлар бериш учун демократик принцип асосида тузиладиган, банк тизимидан холи, яъни нобанк кредит ташкилоти ҳисобланади, — дейди Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов. — Кредит уюшмаси банк тизими хизматини тўлдирувчи алоҳида муассаса бўлиб, аҳолига кўрсатадиган хизматларининг бир қатор афзаллик ва эътиборли жиҳатлари бор. Аввало, кредит уюшмаси кредит билан бирга ўзаро ишончга асосланган, яъни мулкий гаровсиз кредитлар ҳам бериши мумкин. Шу билан бирга, тижорат банклари учун ҳар доим ҳам самарали бўлмаган майда кредитлар бериш мазкур муассаса фаолиятининг асосини ташкил этади. Айни пайтда кредит беришни ҳужжатлаштириш ва лойиҳаларни кўриб чиқиш соддалаштирилган, ниҳоятда оддий, айтарли харажат талаб қилмайди. Кредитни ишлатиш ва ўз вақтида қайтариш жараёни ички назоратга, яъни уюшма аъзоларининг бир-бирини назорат қилишига асосланган.

Ушбу Қонун лойиҳасини кенг кўламда ва амалий тарзда муҳокама қилиш мақсадида республика Марказий банки билан ҳамкорликда барча вилоятларда ва Тошкент шаҳрида минтақавий семинарлар ташкил этилди. Лойиҳани қайта ишлашда ўтган сессияда, оммавий ахборот воситаларида билдирилган фикрлар, минтақавий семинарларда айтилган таклиф ва мулоҳазалар эътиборга олинди. Унда сиёсий партиялар депутатлик фракциялари ва депутатлар блоклари, Олий Мажлис депутатлари ва оддий фуқаролар ҳам ўз таклифлари билан қатнашдилар. Лойиҳанинг янада пухта бўлиши кўзда тутилиб, Кредит уюшмалари умумжаҳон Кенгаши мутахассислари ёрдамида, дунёнинг 90 га яқин мамлакати тажрибаси умумлашган тарзда ўрганилди. Шу билан бирга, АҚШ, Германия, Япония каби дунёдаги илғор мамлакатларнинг нобанк кредит ташкилотлари фаолияти тажрибасига алоҳида эътибор берилди.

Қонун лойиҳасини такомиллаштириш борасида яна бир қатор тамойиллар асосида иш олиб борилди. Маслан, тузилаётган кредит уюшмаси мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга монанд фаолият кўрсатиши учун унинг бизнес режаси бўлиши, молиявий операциялар ўтказиш қоидаларига риоя этиши белгилаб қўйилди. Янги муассасада «молиявий пирамидалар» ҳосил бўлишининг олдини олиш мақсадида Қонун лойиҳасида учинчи шахслардан, улар уюшмага аъзо бўлган тақдирдагина депозит олиш мумкинлигини белгиловчи ҳуқуқий меъёр киритилди. Суиистеъмолликларга йўл қўймаслик, берилаётган кредитлардан самарали фойдаланиш ва вақтида қайтарилишини таъминлаш мақсадида умумжаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, Қонун лойиҳасига янги «Кредит қўмиталари тўғрисида»ги 23-модда киритилди. Кредит қўмитаси кредитлар бериш ҳақида қарор қабул қилади, кредит портфелининг ҳолати етарли бўлишини назорат қилиб туради.

Қонун лойиҳасида кредит уюшмалари фаолиятини талаб даражасида тартибга солиш, кредит уюшмаларини ташкил этиш, рўйхатга олиш ва улар фаолиятига лицензия бериш жараёни ҳам белгиланган. Кредит уюшмаларида иштирок этиш шартлари, мезонлари, уюшмага аъзо бўлиш тартиби ва аъзоларга бўлган талаблар, аъзоларнинг асосий ҳуқуқлари, кредит уюшмаси органларининг тузилиши, таркиби ва ваколатлари, кредит бериш, ўз аъзоларидан депозитлар қабул қилиш, дивидендларни ҳисоблаш ва уларни тақсимлаш, депозитлар ва пай бадалларини қайтариб олиш тартиби ҳамда кредит уюшмаси фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни тартибга солиш, Марказий банк томонидан кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солиш ва унинг бу соҳадаги ваколатлари доираси ҳам унда кўзда тутилган.

«Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини, шунингдек, қабул қилиш мамлакатимизнинг олис ва бориш қийин бўлган жойларидаги корхоналарни, шунингдек, аҳолининг тарқоқ ҳудудларида кредит бериш ва молиявий бозорни нобанк кредит хизматлари билан тўлдириш орқали кўрсатиладиган молиявий хизмат турларини кенгайтириш, хусусий тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятларини молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини татбиқ этиш, одамларнинг банкдан ташқари айланаётган бўш маблағларини расмий оборотга жалб қилиш масалаларини ҳал этишни назарда тутади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси томонидан навбатдаги сессияга тақдим этилган «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси молия бозорида янгилик бўлиб, у амалда мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшади.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Яна бир модда киритилса...

«Суғурта фаолияти тўғрисида»-ги Қонун лойиҳаси нафақат мутахассисларда, балки барча фуқароларда катта қизиқиш уйғотди. Бу бежиз эмас. У ҳар бир кишига дахлдор. Шунинг учун ҳам лойиҳани ўқиш жараёнида бир неча мулоҳазалар пайдо бўлди. Жумладан, лойиҳанинг 9-моддасида «Суғурта... ҳаётни суғурта қилиш ва умумий суғурта... соҳаларига бўлинади», дейилган. 13-моддасининг 2-хатбошисида «Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас, умумий суғурта соҳасининг махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган айрим турлари (класслари) бундан мустаснодир. Умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас», дейилган. Ушбу модда тафсилотларини кенгроқ маънода ёритиш ёхуд том маъносини аниқ кўрсатиш лозим бўлади.

Фикримизча, суғурта идораларининг фаолиятини ҳозирча ихтисослаштириш зарур эмас. Чунки фуқароларнинг ва ташкилотларнинг молиявий аҳволи суғуртанинг ривожига ўз таъсирини ўтказиши муқаррар.

Бизнингча, Қонун лойиҳасининг 4-моддаси 1-банди 3-қаторига «статистик ҳисоб-китоб марказлари, карантин, давлат экология ташкилотлари», 8-қаторига эса «ҳужжатлар ва хулосаларни бепул тақдим этишлари шарт» деган сўзларни қўшишни таклиф этамиз.

Суғурталовчи ва суғурталанувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда бурчлари тўғрисида алоҳида модда киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки суғурта фаолияти тажрибасидан маълумки, суғурта шартномаси тузилганидан сўнг суғурталанувчи таъмагирлик мақсадида атайлаб суғурта ҳодисасини содир этганда суғурталовчининг манфаатлари қонун орқали ҳимоя қилиниши шарт.

**Омон ХУШМУРОДОВ,**
**«Ўзагросуғурта» ДАСК Қашқадарё вилояти дирекцияси директори.**

Гўзаллик билан учрашув





# НАҚШИНКОР САНЪАТ

ёхуд 'халқаро кўргазма таассуротлари

**Суратлардан бирида кўриб турганингиз ёғоч ўймакорлигининг гўзал намуналари, аниқроқ қилиб айтганда, миллий-анъанавий услубда тайёрланган олти қиррали курсилар сизда қандай ҳайрат уйғотди? Бу тарзда савол қўйилишининг боиси шундаки, қўлигул ўзбек ҳунармандлари томонидан ясалган мазкур асарлар Мюнхендаги халқаро кўргазмада (2002 йил 14-20 март) намойиш этилганда, унча-мунча нарсадан ҳайратланавермайдиган немислар, умуман, дунёнинг турли бурчакларидан келган сайёҳлар соатлаб тикилишди бу гўзалликка. Минг хил майда нақшларнинг нақадар нафислигини кўрган мутахассислар бу гўзалликнинг замонавий мосламаларсиз қўлда яратилганига шубҳа билан қараганига нима дейсиз?**



Дарвоқе, Германиянинг Мюнхен шаҳрида ҳар йили икки марта ўтказиладиган халқаро кўргазма хусусида. 15 та павильонда намойиш этилган бу галги тадбирда жами 56 та давлатдан тадбиркор ва ҳунармандлар иштирок этишди. Ҳар бири каттагина стадиондек келадиган павильонларнинг биттаси ҳунармандчилик маҳсулотлари учун ажратилган эди. Қувонарли томони шуки, бу кўргазмада республика «Ҳунарманд» уюшмаси раиси Номоз Облоқулов бошчилигидаги мамлакатимиз вакиллари ҳам муваффақиятли қатнашишди. Ўзбекистон Республикасига ажратилган стендларда ўзбек халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилиги — кулолчилик, каштадўзлик, миниатюра, гилам тўқиш, нақш, хаттотлик, ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари намойиш қилинди.

Кўргазмага ташриф буюрганлар ўзбек усталарининг санъатига юксак баҳо бердилар. Айниқса, Тошкент нақшлари ва миниатюра санъати, Самарқанд каштадўзлиги, Бухоро зардўзлиги, Риштон кулолчилиги, Хоразм гиламлари ва Марғилон атласи олқишларга сазовор бўлди. Наққош Қ.Шоисломов ҳамда гилам тўқиш устаси Г.Ражабовалар шу нафис гўзалликни қисқа фурсат ичида қўлда тайёрлаш мумкинлигини кўргазма залининг ўзида кўрсатиб беришди. Меҳмонлар ҳайратини тасаввур қилаверинг. Шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган 55-халқаро кўргазмага ўзбек усталари биринчилардан бўлиб таклиф этилгани ана шу ҳайратнинг меваси, десак янглишмаймиз.

Кўриб турганингиздек, халқаро кўргазмада иштирок этиш учун хоҳишнинг ўзи камлик қилади. Ташкилотчилар эътиборига тушиб, таклифномани қўлга киритиш зарур бўлади. Хўш, ўзбек ҳунармандлари бунга қандай қилиб эришдилар? Гап шундаки, 2000 йилда бир гуруҳ германиялик тадбиркорлар, жумладан, Лейпциг ҳунармандлар уюшмасининг мутасаддилари Тошкентга келишганди. Сафар чоғида юртимиз усталарининг фаолияти ва тайёрлаган маҳсулотлари билан танишишди. Таассуротлар бойлиги сабаб ўзбек ҳунармандларини Лейпциг кўргазмасига таклиф қилишди. 2001 йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган бу тадбирда усталаримиз энг нафис маҳсулотларини намойиш этишди. Натижада Германиянинг бир нечта газеталари бу ҳақда қатор мақолалар чоп этиб, турли телеканаллар лавҳалар беришди. Мюнхен халқаро кўргазмаси ташкилотчилари ана шу мақолалар туфайли ҳунармандларимиз билан алоқани йўлга қўйишди.

— Уюшмамиз 1997 йилнинг 31 мартида Президент Фармони билан ташкил қилинган эди, — дейди Н.Облоқулов. — Фаолиятимизнинг дастлабки беш йили даромад солиғидан озод қилингани бизга жуда катта имконият яратди. 2002 йилнинг 29 мартидаги навбатдаги Фармон билан бу муддатнинг яна уч йилга узайтирилгани эса ҳунармандларга қаратилган катта эътибор ва ҳукуматимизнинг беқиёс ғамхўрлиги, деб биламиз.

**Озод БЕК,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шошилинг!!!



«ЎзДЭУавто»
компанияси
қойилмақом ютуқ —
БИТТА АВТОМОБИЛЬ
ПУЛИГА ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ
бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

7 мартдан бошлаб ўйинга қўйилган 2500 автомобиль сотила бошлади!

Шошилинг! Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.



*Ўйин шартлари:*
- *ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;*
- *автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;*
- *ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;*
- *ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.*

Маълумот учун компаниянинг Тошкентдаги ваколатхонаси телефонлари: 67-97-74, 67-33-65.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади. Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исм ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози» ва «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!
Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

5491

## САВОЛ БИЗДАН...

**Болқон давлатлари ичида қайси бирининг миллий валютаси лек деб аталади?**

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:
*Букингем саройи.*
Бу ҳақда жиззахлик Тўлқин Мамидов, тошкентлик Тўймурод Нормутовлар хабар қилишди.

136-35-60

**Тошкент шаҳар ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан «Тол» хусусий фирмасига 1999 йил 25 августда берилган № 3-72/99 сонли Бино ва иншоотлар кадастри ҳамда 1999 йил 11 январда берилган № 1567866907 сонли ер кадастри ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси Яккахон қўшиқчилик кафедраси доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Турсунбой ҲУСАНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат аграр университети ректорати ва жамоаси Ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси кафедраси профессори Абет Досахметовга турмуш ўртоғи **Лайло ИСМАГИЛОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент кимё-технология институти ректорати, жамоат ташкилотлари Ёғ-мойлар технологияси кафедраси мудири, профессор Йўлдошхон Қодировга ўғли **АЗИМЖОНнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзавтойўл» давлат акционерлик концерни Буюк Ипак йўлининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтадиган қисмини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш бўйича бош бошқармаси жамоаси бош мутахассис Муҳаммаджон Холмановга отаси **АҲАТЖОН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Малад» суғурта агентлиги жамоаси кадрлар бўлими бошлиғи Жавлон Шараповга волидаи муҳтарамаси **МАСУДАХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» қурилиш-монтаж тресги жамоаси Толлимаржон филиали автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Эргаш Нигматовга укаси **Баҳром НИГМАТОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.



## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

***2001-2002 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ташкилотлар билан келишилган ҳолда шартнома асосида ишга юбориш жараёни бошланганлиги тўғрисида хабар қилади.***
***Шу муносабат билан битирувчи бакалавр ва магистрларга сиз раҳбарлик қилаётган муассасангизда эҳтиёж бўлса, 1 майгача таклифлар беришингизни сўраймиз.***
***Жадвалда вилоятлар миқёсида институтимизни тугатаётган, иккита Шарқ ва битта Ғарб тилини мукаммал эгаллаган ёш мутахассислар ҳақида маълумотлар келтирилмоқда:***

| № | Йўналишлар номи | Жами | Шу жумладан, вилоятлар бўйича: Тошкент шаҳри | Тошкент вил. | Фарғона вил. | Наманган вил. | Андижон вил. | Бухоро вил. | Сурхондарё вил. | Қашқадарё вил. | Хоразм вил. | Самарқанд вил. | Жиззах вил. | Навоий вил. | Сирдарё вил. | Қорақалпоғистон Республикаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **БАКАЛАВРИАТУРА** | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Шарқ филологияси | 139 | 123 | 2 | 3 | — | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 2 | 2 | | | |
| 2. | Хорижий мамлакатлар тарихи | 11 | 7 | 2 | 1 | | | | 1 | | | | | | | |
| 3. | Марказий Осиё халқлари тарихи | 9 | 6 | | | 1 | | | | 2 | | | | | | |
| 4. | Минтақашунослик | 138 | 101 | 15 | 6 | 1 | 1 | 2 | 3 | 1 | 2 | 3 | 1 | 1 | | 1 |
| 5. | Халқаро муносабатлар | 60 | 42 | 4 | 4 | — | — | 5 | 1 | — | — | — | 1 | 1 | | 2 |
| 6. | Қуриёшунослик | 37 | 29 | 7 | 1 | | | | | | | | | | | |
| 7. | Халқаро иқтисодий муносабатлар | 73 | 66 | 4 | 1 | — | 2 | — | — | — | — | — | — | — | | — |
| | **Жами** | **467** | **374** | **34** | **16** | **2** | **5** | **8** | **6** | **5** | **3** | **5** | **4** | **2** | | **3** |
| | **МАГИСТРАТУРА** | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Адабий манбашунослик ва матншунослик | 5 | 3 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | |
| 2. | Таржима назарияси ва амалиёти | 5 | 5 | | | | | | | | | | | | | |
| 3. | Шарқ классик филологияси | 5 | 4 | 1 | | | | | | | | | | | | |
| 4. | Шарқ филологияси | 25 | 20 | 3 | 1 | | | 1 | | | | | | | | |
| 5. | Чет мамлакатлар тарихи | 9 | 8 | 1 | | | | | | | | | | | | |
| 6. | Марказий Осиё халқлари тарихи | 4 | 4 | | | | | | | | | | | | | |
| 7. | Марказий Осиё тарихшунослиги ва тарихий манбашунослиги | 5 | 4 | | | | | | | | 1 | | | | | |
| 8. | Исломшунослик | 6 | 3 | | 3 | | | | | | | | | | | |
| 9. | Халқаро муносабатлар | 16 | 14 | 1 | | | | | | | | | | | | 1 |
| 10 | Минтақашунослик | 29 | 18 | 5 | 1 | 1 | 3 | | | | | 1 | | | | |
| 11. | Маркетингни бошқариш | 16 | 13 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | 1 |
| 12. | Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар | 27 | 19 | 2 | 1 | | 1 | | | 1 | | | | | 1 | 2 |
| | **Жами** | **152** | **115** | **15** | **8** | **1** | **4** | **1** | | **1** | **1** | **1** | | | **1** | **4** |

**Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, «Шаҳрисабз» кўчаси, 25-уй, маркетинг хизмати бўлими.**
**Телефон: 136-15-24, факс: 120-65-65.**

5568/617

**«ХАЛҚ СЎЗИ»**
**«НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**
**Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**С. ЗИНИН,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 376, 34017 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **Ю. ҲАМИДОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **И. ЎТБОСАРОВ.**
Навбатчи — **М. НОРМАТОВ.**
Мусаҳҳиҳ — **Ш. МАШРАББОЕВ.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди —*
1 2 3 4 5 6